Айёмингиз муборак, азиз опа-сингиллар!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | adolat_gazeta@message.uz | www.adolat.uz | № 9 (921) | 2013-yil, 8-mart, juma

# ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар, қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Табиат уйғониб, тобора чирой очаётган мана шу шукуҳли айёмда сиз, азизларни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон аёлларини 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Биз ҳаёт фалсафаси, маъно-мазмуни ва гўзаллигини биринчи навбатда барчамизни дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган муқаддас Она сиймосида, аёл тимсолида кўрамиз, аёл зотини Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси, деб улуғлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, гўзаллик ва нафосат, меҳру муҳаббат, вафо ва назокат рамзи бўлган, ўзининг меҳрибонлиги, қалб саховати билан ҳар қайси оилани оила қиладиган, унга файзу тароват берадиган, фарзандларимиз юрагига ўз она юртига севги ва садоқат туйғусини сингдирадиган аёлларимизнинг бетакрор фазилатлари ҳақида ҳар қанча гапирсак, уларни ҳар қанча эъзозласак, арзийди, десам, ўйлайманки, бугун барча юртдошларимнинг кўнглидаги фикрларни ифода этган бўламан.

Қадрли опа-сингиллар!

Барчамизга аёнки, дунёда давлат ва жамиятнинг нуфузи, маданий даражасини кўрсатадиган мезонлар кўп. Лекин ҳар қайси миллат ва халқнинг маънавий камолотини яққол акс эттирадиган шундай бир мезон борки, у ҳам бўлса, жамиятнинг хотин-қизларга бўлган муносабати, ҳурмати билан белгиланади.

Шу маънода, аёлларни улуғлаб, ардоқлаб, бошига кўтариб яшайдиган халқ ўзининг юксак маданияти ва олижаноб қадриятларини амалда намоён қиладиган ва тасдиқлайдиган халқ сифатида обрў-эътибор қозонади, десак, янглишмаган бўламиз.

Мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистонимизни ҳар томонлама равнақ топтириш, олдимизда турган эзгу мақсадларга эришиш йўлида бутун халқимиз қатори хотин-қизларимизнинг беқиёс ҳиссаси борлигини биз ҳамиша миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Азалдан муҳтарама аёлларимизга хос бўлган меҳнатсеварлик, меҳрибонлик, шукроналик ва орасталик, рўзғорни, умуман, оила ҳаётини оқилона бошқариш фазилатлари энг юксак таҳсинларга сазовордир.

Айни вақтда давлат идоралари бошқарувида ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда — ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият каби турли жабҳаларда, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "Соғлом она — соғлом бола" сингари бутун дунёда тан олинган дастурларимизни амалга оширишда опа-сингилларимизнинг ибрат кўрсатиб, самарали меҳнат қилаётганини мамнуният билан эътироф этамиз.

Шу борада биргина мисол — мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қилаётган аҳолининг 50 фоизга яқинини айнан хотин-қизлар ташкил этаётганининг ўзи кўп нарсани англатади, деб ўйлайман.

Албатта, биз опа-сингилларимизнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, фарзандларимиз, айниқса қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунар, илм-фан чўққиларини эгаллаб, ҳаётдан муносиб ўрин олишлари учун бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз кераклигини яхши тасаввур этамиз.

Юртимизда 2013 йилга "Обод турмуш йили" деб ном берганимиз ва шу асосда давлат дастури қабул қилганимиз замирида аввало ана шундай амалий ишларимизни янги, юксак босқичга кўтаришдек эзгу мақсад мужассамдир.

Жорий йилда давлат бюджети харажатларининг қарийб 60 фоизини ижтимоий соҳаларга йўналтириш, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини ўртача 23 фоизга ошириш бўйича белгилаб олган режаларимиз, ҳеч шубҳасиз, бу йўлда яна бир салмоқли қадам бўлади.

"Обод турмуш йили" Давлат дастурида оила институтини мустаҳкамлаш, аёлларнинг жамият ҳаётидаги роли ва нуфузини юксалтириш, уларнинг қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, хотин-қизларни, хусусан, қишлоқ жойларда иш билан таъминлаш, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш, аёлларга кредит ажратиш орқали уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш каби биз учун устувор бўлган вазифаларга алоҳида ўрин берилгани айниқса эътиборлидир.

Халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш мақсадида замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, шифохоналар, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт масканлари, коммуникация тармоқлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини қуриш, янги турар-жойлар, жумладан, қишлоқларимизда намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта уй-жой барпо этиш, катта ҳажмда ободончилик ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Шулар қаторида аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш масаласи ҳам, табиийки, эътиборимиз марказида бўлади. Хусусан, хотин-қизларнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллатиш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маиший техника ва зарур товарларни харид қилиш учун бериладиган истеъмол кредитлари ҳажмини 1,3 баробар ошириш мўлжалланаётганини қайд этиш жоиз.

Бундай улкан режаларни ҳаётга татбиқ этиш учун 6 триллион 650 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилаётганининг ўзи бутун ҳаётимизни қамраб оладиган кенг кўламли мақсад ва вазифаларни яққол ифода этади, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз опа-сингилларим, қадрли қизларим!

Айни шу дамларда қалбимда, юрагимда сизларга доимо сақланиб келаётган чуқур ҳурматимни изҳор этиб, бир фикрни билдирмоқчиман.

Аёл зотига, айнан сизларга мансуб гўзал фазилатлар, ҳаётимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ҳамжиҳатлик ва аҳиллик каби инсоний туйғуларни янада юксалтириш, фарзандларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш йўлидаги эзгу интилишларингиз, беқиёс хизматларингиз учун бутун юртдошларимиз, халқимиз номидан барчангизга таъзим қилишни ўзимнинг шарафли бурчим, деб биламан.

Яна ва яна бир бор сизларни баҳор ва нафосат айёми бўлмиш 8 март байрами билан самимий табриклайман.

Умрингиз узоқ, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

Ҳамиша толеингиз баланд бўлсин!

Хонадонларимиздан шоду хуррамлик, қут-барака аримасин!

Халқимиз, Ватанимиз, фарзандларингиз бахтига доимо омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



## Оилада — оқила, жамиятда — фаол

"Туркистон" саройида Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган аёллар, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Йиғилишда мамлакатимизда хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш, қобилиятини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан Обод турмуш йили деб эълон қилинган жорий йилда ҳам хотин-қизлар учун муносиб шароитлар яратиш, оғирини енгил қилиш, ўсмир қизлар соғлиги ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатишга оид ишлар кўлами ортмоқда.

Йиғилишда жорий йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган қизларга ушбу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.



## Амалий тажрибалар оммалаштирилади

**Илмий-амалий конференция**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси ҳамда "Аёллар қаноти" Кенгаши ташаббуси билан "Обод турмуш йили"га бағишлаб "Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш — обод ва фаровон турмушни таъминлашнинг муҳим омили" мавзуида ўтказилган илмий-амалий конференцияда депутатлар, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Соғлом авлод учун" ва "Маҳалла" хайрия жамғармалари, "Камолот" ЁИҲ, бошқа жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.

2 ➤

## Истиқбол — қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантиришда

**Муносабат**

Ер юзидаги табиий бойликлар, шубҳасиз, инсонлар учун яратилган. Ер остида ва устида жойлашган бойликлар нафақат бугун бу ёруғ жаҳонда истиқомат қилаётганларнинг, шу билан бирга, дунёга биздан кейин келадиган ва яшайдиган келажак авлодларнинг ҳам ризқ-насибаси. Шу боис, уларни тежаб-тергаб ишлатиш, борини асраб-авайлаш, йўғини яратиш, она-табиатни, ер, сув ва ҳавони тоза сақлаш, иқлимнинг кескин ўзгариб кетишига йўл қўймаслик бугунги куннинг энг муҳим вазифаси, ҳар биримизнинг юксак инсоний бурчимиз ҳисобланади. Чунки ҳозирнинг ўзида бу борада жуда кўп муаммолар юзага келган бўлиб, уларнинг олдини олиш юзасидан самарали чора-тадбирлар кўришни вазиятнинг ўзи тақозо этмоқда.

2 ➤

Келгуси сонда: Йўл бошида адашманг

# Истиқбол — қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантиришда

Давоми. Боши 1-бетда



**Исмоил САИФНАЗАРОВ,** Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси

— Юртбошимиз томонидан "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармоннинг имзоланиши мамлакатнинг тараққиёти, эртанги куни ва турмуш ободлигини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Фикримиз учун асослар етарли, деб ўйлайман. Энг аввало, глобал миқёсда қайта тикланмайдиган энергия захираларининг таги кўриниб қолди. Иккинчидан, кейинги ярим аср мобайнида сайёрамизда экологик хавф-хатарлар миқдори ортиб бораётганлиги мутахассис-олимларни жиддий ташвишга солаётир. Иқтисодий тараққиёт мақсадларида энергиядан фойдаланишнинг меъёридан ортиб кетиши муаммонинг асосий сабаби сифатида эътироф этилмоқда. Ёқилғининг органик турларидан фойдаланувчи электр ва иссиқлик станциялари ҳамда ички ёнув двигателларидан чиқаётган зарарли газлар туфайли атроф-муҳит ифлосланмоқда. Атмосферага зарарли моддалар чиқиндисининг жуда катта миқдорда чиқариб юборилиши натижасида озон қатламига аста-секин путур ета бошлаган, ерда эса глобал энергия танқислиги вужудга келмоқда.

Муқобил энергетика дунёда инновацион ривожланишнинг муқаррар омилига айланиб бормоқда. Айниқса, жаҳон углеводород хомашёси захираларининг тугаб бориши шароитида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш янада муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Дунёнинг 65 дан ортиқ мамлакатлари ўз олдига қуёш, шамол, сув энергиясидан фойдаланиш орқали муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан, шунингдек, водород, биогаз ва бошқалардан кенгроқ фойдаланишга қаратилган мақсадларни қўйишгани бежиз эмас, албатта.

Ушбу йўналишнинг муҳимлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган йиғилишида ҳам қайд этилганди: "Биз табиат томонидан берилган ноёб, қайта тикланмайдиган захиралар бўлмиш нефть, газ конденсати, табиий газ ва бошқа ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишни ҳамон ўрганганимиз йўқ, бу ресурсларнинг катта қисмидан кўпроқ ёқилғи сифатида фойдаланяпмиз, холос".

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича катта салоҳиятга эга, экспертларнинг баҳолашига кўра, улар қайта тикланмайдиган органик ёнилғи ресурсларидан бир неча баробар ортиқ. Республикада бир йилда қуёшли кунлар 300 кундан ортиқ, шамол эсувчи ҳудудлар, шунингдек, электроэнергия ҳосил қилишда фойдаланиш мумкин бўлган тоғ дарёлари мавжуд. Ўзбекистон қуёшли кунлар сони бўйича қуёш энергетикаси ўта ривожланган Испаниядан ҳам олдинда. Ўзбекистон шароитида қуёш ресурслари, кичик гидроэнергетика, шамол ресурслари, биомасса ва геотермал энергия муҳим саналади. Бундан ташқари, қайта тикланувчи энергетика олисда, тоғли ва бориш қийин бўлган туманларда жойлашган аҳоли пунктлари учун иқтисодий асосланган энергия манбаи бўлиши мумкин.

Бизнингча, мазкур фармон муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, муқобил энергия манбаларини, шунингдек, тежамкор, экологик тоза технология ва энергия ресурсларини жорий этиш бўйича инфратузилмалар, рағбат, имтиёз ва преференциялар яратиш имкониятларини янада оширишга, тадқиқотлар ҳамда тажриба-саноат ишланмаларини юқорироқ техник ва илмий даражада ўтказишни янада давом эттириш, мазкур соҳа учун замонавий ускуналар ва технологияларни мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ташкил қилишга имкон беради.

Партиямиз ўз дастуридан келиб чиқиб, глобал энергетик хавфсизлик, энергия ва ресурс тежовчи технологиялар, қайта тикланувчи энергия манбалари, атроф-муҳит муҳофазаси ва иқлим ўзгариши таҳлили, энергетикада таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, бу жараёнда инновацион технологияларни қўллаш самараларига бағишланган, энергияни тежаш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, рақобатли энергетика бозорини ташкил этиш, ёшларда инновацион маданиятни шакллантириш ва иқтидорли ёшларнинг бу йўналишдаги изланишларини қўллаб-қувватлаш борасида қатор лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириб келмоқда.

Бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатларнинг муваффақиятли давом эттирилишига эса давлатимиз раҳбарининг "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони муҳим дастуруламал бўлиши шубҳасиз.



**Тўлқин АБДУСАТТОРОВ,** Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

— Бугуннинг ўзидаёқ ер юзининг кўп жойларида тоза ичимлик суви танқислиги сезилмоқда. Дунёнинг ўта ривожланган мамлакатларидаги йирик саноат марказларида ҳаво бузилиб кетган. Мавжуд электр манбалари ишлаб чиқараётган қувватлар истеъмол эҳтиёжини тўла қондира олмаяпти. Шу боисдан ҳам ноанъанавий энергия манбаларидан, жумладан, сув, шамол ва қуёш энергиясидан унумли фойдаланишга, бу борадаги мавжуд тажриба ва имкониятларни янада кенгайтиришга жиддий эътибор бериш масаласи юзага келди. Мамлакатимизнинг жуғрофий жиҳатдан жойлашуви қайта тикланадиган манбалар орасида қуёш энергиясидан фойдаланиш биз учун истиқболли иш эканини исботлаб турибди.

Таъкидлаш жоизки, соҳани ривожлантириш масалалари Давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Хусусан, Президентимизнинг 2012 йил 5 сентябрдаги фармойиши билан тузилган ишчи гуруҳига 2013-2017 йилларга мўлжалланган қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ҳамда соҳада фаолият юритувчи хўжалик субъектларига айрим имтиёзлар бериш юзасидан қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш учун таклифлар тайёрлаш топширилди.

Мазкур фармойишнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 1 март куни имзолаган "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, шубҳасиз, бу йўналишдаги кенг қамровли тадқиқот ишлари самарадорлигини янада оширади ҳамда қуёш энергиясидан фойдаланишда янги уфқлар очади. Фармонда шунингдек, муқобил энергетика соҳасининг тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий потенциални янада ривожлантириш, ушбу йўналишда кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш, соҳага оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, яъни қайта тикланувчи энергия манбалари ишлаб чиқарувчилари ҳамда фойдаланувчиларига солиқ ва божхона имтиёзлари бериш юзасидан қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳамда соҳанинг жадал ривожланиши учун "Муқобил энергетика тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш лозимлиги белгиланди.

Қайта тикланадиган муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш "Адолат" социал-демократик партияси ҳаракат дастурининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Партиямиз фаоллари ва фракциямиз бу борада олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа тегишли идоралар, муассасалар билан биргаликда назарий ва амалий машғулотлар ташкил этиб, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар. Президентимизнинг ушбу фармонида кўзда тутилган вазифаларнинг ижроси халқимиз ҳаётини янада фаровонлаштиришга, "Обод турмуш йили" Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларнинг тўла амалга ошишига хизмат қилади.

## Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Парламент қуйи палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига киритилиши назарда тутилаётган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.



# Фракцияларнинг қонунчиликдаги роли ошмоқда

Дастлаб «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда фракция аъзолари томонидан муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Коцепциясида белгиланган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш йўналишидаги устувор вазифалар ижроси доирасида Конституциямизнинг тегишли моддаларига киритилган ўзгартишлар орқали сиёсий партияларнинг ваколатлари кенгайиб, обрўси ва нуфузи ошди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси орқали бир қатор янги қоидаларни жорий этиш назарда тутилмоқда:

Биринчидан, киритиладиган қонун лойиҳалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг кўриб чиқилишини ташкил этувчи, тушган лойиҳаларни ҳисобга олишни амалга ошириш ва кўриб чиқишнинг барча босқичларида уларни кузатиб бориши лозим бўлган Қонунчилик палатаси девони ходимлари жумласидан Мувофиқлаштирувчи гуруҳ тузиш.

Иккинчидан, Қонунчилик палатасининг Кенгаши ўз мажлисида қонун лойиҳасининг олдиндан кўриб чиқилиши учун масъул қўмитани бамаслаҳат белгилайди.

Учинчидан, фракцияларга қонун лойиҳалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни масъул қўмита билан бир вақтда кўриб чиқишга киришиш ҳуқуқи берилмоқда.

Тўртинчидан, янги тартибга кўра, Қонунчилик палатаси мажлисларида қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш жараёнида маърузачи биринчи ва кейинги ўқишларда фракцияларнинг (депутатлар гуруҳларининг) фикрлари ва таклифларини албатта депутатлар эътиборига етказади.

Муҳокамада сўз олганлар сиёсий партиялар фракцияларининг қонун лойиҳасига доир фикрлари ва таклифлари албатта инобатга олинишини, бу эса ўз навбатида партия сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросининг таъминланишида ҳамда электорат манфаатларини ҳимоя қилишга доир масалаларни рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Хусусан, фракция аъзолари Т.Абдусатторов ва К.Ҳамидовалар мазкур қонун лойиҳаси билан киритилаётган тартиб адолат тамойилларига тўла жавоб беришини эътироф этишди. Унга кўра, Қонунчилик палатасидаги мажлисларда қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш вақтида маърузачи биринчи ва кейинги ўқишда мажбурий тартибда фикр-мулоҳазалари ва таклифларини депутатларга етказади. Фракция аъзолари қонунни тайёрлаш жараёнининг исталган босқичида сиёсий партиялар фракциялари томонидан қонун лойиҳаси юзасидан киритиладиган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни мажбурий равишда ҳисобга олишни назарда тутадиган норма адолат тамойилларига тўла мос эканлигини қайд этишди.

Кун тартибидаги «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда депутатлар томонидан қизғин муҳокама қилинди.

Бандлик соҳасидаги халқаро стандартлар ва меъёрлар ҳамда бир қатор хорижий давлатларнинг аҳолини иш билан таъминлашга доир қонунчилик тажрибаларига асосан ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳасига киритилаётган янги "Асосий тушунчалар" моддаси билан «ишсиз» тушунчасига аниқлик киритилиб, банд бўлмаган аҳолини реал аниқлаш имконияти яратилмоқда.

Шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини олинган ихтисослиги ва таълим йўналишини, ишлаб чиқариш амалиёти ёки тадбиркорлик фаолиятига жалб қилинганлигини ҳисобга олган ҳолда мавжуд вакант, захирага олинган ва янгидан яратилган иш ўринларига ишга жойлаштириш шартлари ва йўналишлари белгиланиб, иш берувчиларнинг масъулияти оширилиши назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, фуқароларни нодавлат ташкилотлари томонидан тижорат асосида иш билан таъминлаш, шу жумладан чет элларда, шунингдек, одам савдоси жабрдийдаларини ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун захира қилинган иш ўринларига ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш назарда тутилмоқда.

— Мазкур қонуннинг қабул қилиниши иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган аҳоли муайян тоифаларининг мақомини белгилашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди, — деди фракция аъзоси З.Ботирова. — Шунингдек, ишга жойлаштиришга муҳтожларни тўла ва объектив аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу эса ўз навбатида меҳнат бозорини, меҳнат миграцияси ва аҳолини, жумладан ёшларни, аёлларни, таълим муассасалари битирувчилари, одам савдоси жабрдийдаларини ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларининг унумли меҳнатда банд бўлишини таъминлаш бўйича аниқ тадбирларни белгилаш ва амалга оширишга кўмаклашади. Аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, бандлик масалаларини ҳал этиш партиямиз дастурий ғояларининг устувор йўналишларидан саналади. Шу боис ушбу қонун лойиҳаси сайловолди платформамизга тўла мос келади ва уни қўллаб-қувватлашимизга асос бўлади.

Йиғилишда шунингдек, иккинчи ўқишда киритилаётган "Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 113-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"-ги, "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига қўшимча киритиш ҳақида"ги, "Сил касаллигининг олдини олиш ва уни даволашга доир қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ва бошқа қатор қонун лойиҳалари депутатлар томонидан муҳокама қилинди.

Кўрилган масалалар юзасидан фракция аъзоларидан И.Саифназаров, Қ.Жўраев, О.Ахунова, А.Раҳмонов, А.Акромов ва бошқалар Ўзбекистон «Адолат» СДП позициясидан келиб чиққан ҳолда ўз таклиф ва тавсияларини билдирдилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

# Амалий тажрибалар оммалаштирилади

Давоми. Боши 1-бетда

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари С.Турсунов Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган маърузасида Обод турмуш йилида бажарилиши лозим бўлган устувор вазифалардан бири сифатида аёллар масаласи тилга олингани бежиз эмаслигига иштирокчилар эътиборини қаратди. Хусусан, маърузада ҳаётимизни янада фаровон ва обод қилиш, аввало аёл зотининг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, хотин-қизлар турли жабҳа ва йўналишларда эришаётган ютуқларни муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлмиш опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш асносида турмушимизни фаровон этиш билан узвий ва чамбарчас боғлиқ эканлиги, ушбу устувор мақсадларни рўёбга чиқариш учун эса давлат ва нодавлат ташкилотлар, маҳаллий ҳокимият идоралари, маҳалла, хотин-қизлар, ёшлар вакиллари, зиёлиларимиз, кенг жамоатчилик, бутун халқимиз фаол ва муносиб иштирок этишларига ишонч билдирилганлигини таъкидлади.

Илмий-амалий конференциядан кўзланган мақсад ҳам Ўзбекистон «Адолат» СДП билан жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигида мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий модернизация жараёнлари ва фуқаролик жамияти позицияларининг мустаҳкамланиб боришида хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш, ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини ишлаб чиқиш, ушбу йўналишдаги меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, аёлларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётидаги амалий иштирокини янада кучайтиришга қаратилган тавсияларни белгилашдан иборат эканлиги қайд этилди.

— Партиямиз дастурида давлат ҳокимияти фаолиятининг барча жабҳаларига аёлларнинг жалб этилиши, чуқур билим ҳамда касбий маҳоратга эга бўлган аёлларга янада кенг имкониятлар яратилиши демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуришда жиддий омил бўлиб хизмат қилиши белгилаб қўйилган бўлиб, бу борада партиянинг "Аёллар қаноти" томонидан олиб борилаётган кенг қамровли ишлар ўз самараларини бермоқда, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси И.Саифназаров. — Буни партиямиз аёлларининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ташаббускорлигида, бажараётган амалий ишлари ҳамда қўлга киритаётган ютуқларида кўриш мумкин.

Бугунги кунда партиямиз аъзоларининг 48,9 фоизини ташкил этаётган аёллар нафақат асосий электоратимиз вакиллари, балки жамиятнинг барча қатламларини қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир. Шу боис «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда партиямиз сафидаги фаол хотин-қизлар салоҳиятидан унумли фойдаланиш, уларнинг йил дастури доирасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватламоғимиз лозим.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон "Адолат" СДП "Аёллар қаноти" Кенгаши раиси З.Ботирова хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий саводхонлиги масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги хусусида тўхталар экан, бу борада ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжудлиги, уларни бартараф этишда фуқаролик жамияти институтлари, сиёсий партиялар олдида турган вазифалар хусусида ўз фикрларини билдирди. Хусусан, соғлом она — соғлом бола, никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриги, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш, жамият тараққиётидаги иштирокини янада кучайтириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, манфаатларини ифодалаш, улар орасида спортни тарғиб қилиш, қизларга таълим бериш ва касб-ҳунарга ўргатиш, иш билан таъминлаш каби масалалар сиёсий партиялар зиммасига ҳам катта масъулият юклаётгани, бу борада фуқаролик жамиятининг барча институтлари изчил ҳамкорликни йўлга қўйишлари лозимлигини таъкидлади. Оналик ва болаликни, аёллар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, хотин-қизларга яратилган қўшимча имтиёзларга оид қонун ҳужжатларининг жойлардаги ижросини таъминлашда "Аёллар қанот"лари фаоллари жонбозлик кўрсатишлари зарурлигини алоҳида қайд этди.



Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ННТ фаолиятини мувофиқлаштириш гуруҳи раҳбари Д.Алимжанова, "Камолот" ЁИҲ Марказий Кенгаш раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳамеджанова ва бошқалар мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлаш, истеъдодларини рўёбга чиқариш, манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишнинг замонавий услуб ҳамда механизмлари бўйича ўз қарашларини баён этдилар.

Тадбирда, шунингдек, республикамизнинг олис ҳудудларидаги хотин-қизларга ўз тадбиркорликларини йўлга қўйишлари ёки бошқа ижтимоий муаммоларини ечишларига кўмаклашиш, бунинг учун ҳуқуқий ва психологик маслаҳатхоналар ташкил этиш юзасидан таклифлар ўртага ташланди. Бу борада Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳудудий ташкилотларининг амалий тажрибалари ўрганилди.

Хусусан, Бухоро вилояти партия Кенгаши раиси ўринбосари Д.Ҳамдамова вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда йўлга қўйилган хотин-қизлар психологик маслаҳатхонаси фаолияти ҳақида сўз юритиб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

Қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлган тадбир давомида маҳаллий кенгашлардаги "Аёллар қанот"лари фаолияти амалий мисоллар асосида чуқур таҳлил этилиб, партия томонидан аёлларнинг жамиятдаги роли ва мақомини янада ошириш, аёлларга оид қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

Конференция якунида Ўзбекистонда хотин-қизлар манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш борасида жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги фаолиятни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилиб, "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг ўз ижтимоий шериклари билан кўтарилган масала юзасидан келгусида бажариладиган мақсадли вазифалари белгилаб олинди.

**Илёс САХАТОВ,** «Adolat» мухбири

# Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси

## "Адолат" партиясидан сайланган депутатлар фаолиятининг асосий ва бош йўналиши

**Юзма-юз**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламентининг 62-моддасига мувофиқ, 27 февралдан 5 мартга қадар Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзоларининг жойларда сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтди. Сермазмун мулоқотлар, савол-жавоблар остида кечган ҳар битта учрашув мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини ва ундан келиб чиқадиган вазифаларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб этишга ҳамда юртдошларимизда кучли фуқаролик позициясини мустаҳкамлашга қаратилди.

Сайловчиларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, Юртбошимизнинг йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасининг мазмун ва моҳияти, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти хусусида маълумотлар берилибгина қолмай, жойларда депутатлар томонидан юқори малакали кадрларни тайёрлашнинг ҳолати ва истиқболлари атрофлича ўрганилди.

Тошкент вилоятининг Пискент шаҳри, Янгийўл ва Қуйи Чирчиқ туманларида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси **Исмоил Саифназаров** ўтказган учрашувларда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» номли маърузасидаги устувор йўналишлардан келиб чиқадиган вазифалар, парламентда муҳокама этилаётган ва қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳияти, партиянинг дастурий ғоялари ҳамда мақсад ва вазифалари хусусида ахборот берди.

Депутат тадбир иштирокчиларига партия дастурий ғояларига ҳамоҳанг, сиёсий соҳада партиянинг бошқарувдаги шаффофлик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлашга хизмат қилувчи Президентимизнинг "*Электрон ҳукумат" тизимини шакллантиришнинг концепцияси ва дастурини ишлаб чиқаришни тезлаштириш борасидаги* кўрсатмалари юртимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини мисоллар ёрдамида тушунтирди. Электрон ҳукумат концепциясининг тўлиқ ишга тушиши ахборот очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга, ортиқча бюрократик тўсиқларга барҳам беришга, давлат ва ҳокимият идораларидан ахборот олишни осонлаштиришга хизмат қилишини баён этди.

Маърузачи *Юртбошимиз томонидан "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"*ги Фармоннинг имзоланиши мамлакатнинг тараққиёти, эртанги куни ва турмуш ободлигини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятли бўлгани ва бу партиямиз дастурига тўла мос фармон бўлганини қайд этди. Мазкур Фармон юртимизда энергияни тежашга, энергиянинг қайта тикланувчи муқобил манбаларини ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, «Адолат» СДП фракцияси раҳбари **Собир Турсунов**нинг Қашқадарё вилоятида сайловчилар билан учрашувлари очиқ мулоқот тарзида ташкил этилди.

— Президентимизнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини ошириш, етакчи тармоқларини модернизациялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди, — деди С.Турсунов Қарши шаҳридаги "Ёшлар маркази"да ташкил этилган тадбирда.



— Аҳолининг кам таъминланган қисмини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, фуқароларнинг, айниқса, қишлоқ аҳолиси даромадларини, турмуш даражаси ва сифатини изчиллик билан ошириш зарурлиги ҳам маърузадан ўрин олди. Бундан англаш мумкинки, аҳоли турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиб боришини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган.

Шунингдек, учрашувлар давомида «Обод турмуш йили» Давлат дастури хусусида ҳам батафсил сўз юритилди. Хусусан, фуқароларни, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш аҳволини янада яхшилашга қаратилган "Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунларни қабул қилиш кўзда тутилгани ва бу борада партия нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда таклифлар тайёрланаётгани таъкидлаб ўтилди.

Навоий давлат кончилик институтида олий таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш борасида эришилган ютуқлар ва истиқбол режалари мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзоси, партия Сиёсий Кенгаши раисининг ўринбосари **Абдукамол Раҳмонов** Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Президентимизнинг 2011 йил 20 майда қабул қилинган "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар бу борадаги саъй-ҳаракатларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлаётир. Жумладан, қарор асосида Навоий давлат кончилик институтининг кимё-технология факультети капитал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари натижасида замонавий қиёфа касб этган факультетга 250 миллион сўмлик мебель жиҳозлари ўрнатилди. Факультет лаборатория хоналари замонавий анжомлар билан жиҳозланмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси **Зуҳра Ботирова** ҳамда Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, фракция аъзоси **Қодир Жўраев**нинг Бухородаги учрашув ва тадбирлари давомида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрир) ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрир) лойиҳаларини такомиллаштириш юзасидан жамоатчилик муҳокамаларини ўтказганликлари ҳам диққатга сазовордир.

— Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш борасида аниқ вазифалар белгилаб берилган, — деди З.Ботирова. — Шу асосда ишлаб чиқилган қонунларнинг янги таҳрирдаги лойиҳалари Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, демократик тамойилларга асосланган кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, энг асосийси, ушбу йўналишдаги ишларни тартибга солиш, ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга хизмат қилади.



Вилоят ҳокимлиги ва Соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда "Республикада ОИВ инфекцияси бўйича эпидемик вазият, мавжуд муаммолар ва ечимлар" мавзуида шаҳар ҳокимлигида ўтказилган йиғилишда З.Ботированинг мавзу юзасидан маърузаси тингланди. Депутат ўз сўзида аср вабоси бўлган ОИТС касаллигига қарши кураш бўйича тайёрланаётган қонун лойиҳаси мақсад ва моҳияти хусусида гапирди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси республикамизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни янги поғонага кўтарди. Унда маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида амалдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши белгиланганлиги **Раъно Гаимова**нинг Сурхондарё вилоятида, депутат **Умид Жуманиёзов**нинг Хоразм, депутат **Камола Ҳамидова**нинг Тошкенти вилоятларидаги учрашувлари диққат марказида бўлди.

Депутатлар фикрича, қонун лойиҳаларининг келгусида ҳаётга жорий этилиши партиянинг дастурий мақсадларидан бўлган жамиятда ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳимояни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришда алоҳида ўрин тутади. Шу боис қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг тарғиб этиш, бу жараёнда партиянинг барча даражадаги депутатлик гуруҳлари, қолаверса, ҳар бир аъзоси фаол иштирок этиши зарур.

Шунингдек, депутатлар томонидан ҳудуддаги таълим муассасалардаги тиббий хизмат ҳолати ҳам атрофлича таҳлил этилди.

Депутат **Абдурафиқ Аҳадов** Самарқанд вилоятида ўз сайловчиларига парламент томонидан қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти, муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари, "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оилалар мустаҳкамлиги ва фаровонлигини ошириш, инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш борасида партия томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда аввалги учрашувларда сайловчилар томонидан билдирилган таклифлар юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида батафсил маълумот берди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, партия ўз фаолиятини ривожлантириб боришда, шубҳасиз, электорати саналмиш илм-фан вакилларига, олимларга таянади. Мамлакатимизда илм-фан салоҳиятини янада юксалтириш, инновация туридаги иқтисодиётни ривожлантиришда партия ана шу қатлам билан яқин ҳамкорлик қилади. Шу маънода, фракция аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонлари ижросини жойларда ўрганишди.

Хусусан, депутат А.Аҳадов вилоятдаги олий таълим муассасаларида шу мақсадларга қаратилган назорат тадбирларини ўтказди.

Фракция аъзоси **Ойша Ахунова**нинг Наманган вилоятидаги учрашувларида қабул қилинаётган турли Давлат дастурлари ва қонунлар ижросини таъминлашда "Адолат" социал-демократик партиясининг иштирокини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун партия ўз сафларини сиёсий-ҳуқуқий маданияти етук, жамият олдидаги долзарб вазифаларни аниқ тасаввур этадиган кишилар, айниқса, ёшлар билан кенгроқ мустаҳкамлашга, аҳоли турли қатламлари орасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси ташаббуси билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбатида Наманган давлат университети, Наманган муҳандислик технология институти ҳамда Наманган муҳандислик педагогика институтининг ўқитувчи-мураббийлари ва талаба-ёшлари қатнашишди. Мазкур тадбирда ҳам "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш борасидаги эришилган ютуқлар ва истиқбол режалар" мавзусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Худди шундай давра суҳбати Андижон давлат тиббиёт институтида ҳам ўтказилди. Унда Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси **Феруза Омонова**, Фарғона вилоятидаги 4 та олий ўқув даргоҳларида бўлиб ўтган мулоқотлар чоғида эса парламент қуйи палатаси депутати **Анвар Сулаймонов** иштирок этди.

Депутат **Алишер Акромов**нинг Қорақалпоғистон Республикасидаги учрашувида юқорида баён этилган масалалардан ташқари, партиянинг устувор вазифаларидан ҳисобланган қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизациялаш, уни инновацион-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадида инновацион лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш масалалари юзасидан маълумотлар берди.

Фракция аъзолари **Мавлуда Нишонова** ҳамда **Тўлқин Абдусатторов** ўз учрашувларида «Обод турмуш йили» Давлат дастури мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратишди.

— «Обод турмуш йили» Давлат дастурида халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини янада ошириш, муносиб турмуш шароитларни яратиш, янги тураржойлар қуриш, замонавий йўллар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви, электр ва иссиқлик энергияси билан кафолатли таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган, — дейди Т.Абдусатторов.

Фракция аъзолари парламент томонидан қабул қилинган "2012 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури", Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурида илгари сурилган ғоя, мақсад ва вазифаларнинг амалдаги ижроси, фракция аъзоларининг таклиф ва ташаббуслари ҳақида сайловчиларга батафсил маълумотлар берилди.

Депутатларнинг эътироф этишларича, жамоатчилик билан ўтказилган учрашувлардаги кўтарилган таклифлар, сайловчиларнинг ўзларини ўйлантираётган масалалар юзасидан ўртага дадил савол қўяётганликлари фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётгани, амалга оширилаётган ислоҳотларга ва қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришларга уларнинг бефарқ эмасликларини ҳам кўрсатди.

**«Ёш адолатчилар»**

Бугун Ўзбекистон «Адолат» СДП Бухоро вилояти Кенгашининг тўрт мингга яқин аъзоларидан 40 фоиздан ортиғини жамиятимизнинг энг илғор қатлами бўлган ёшлар ташкил этади. Вилоят партия Кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти фаолларининг ҳудуддаги ёшлар орасида олиб бораётган тарғибот ишлари, билимдон ва иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, салоҳиятларини рўёбга чиқариш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ўз самараларини кўрсатмоқда. «Ёш адолатчилар» сафларига қабул қилинган ёшлар ўзларига кўрсатилаётган эътиборга эришаётган ютуқ ва марралари билан муносиб жавоб қайтаришмоқда.

# «Ёш адолатчи»миз —

## давлат стипендияси соҳиби



Бухоро давлат тиббиёт институтининг «Стоматология» факультети 5-босқичида таҳсил олаётган Шоҳруҳ Якубов «Ёш адолатчилар» қаноти фаоллари орасидаги энг иқтидорли ёшлардан биридир. Институтдаги тенгқурлари орасида Ўзбекистон «Адолат» СДП ғояларининг энг яхши тарғиботчиси сифатида танилган Шоҳруҳ билим олишга бўлган иштиёқи, ҳар жабҳада фаоллиги ҳамда ўз соҳаси бўйича олиб бораётган илмий изланишлари учун жорий ўқув йилида Ибн Сино номли давлат стипендияси совриндори бўлди.

Тиш даволовчи малакали шифокор бўлишни мақсад қилган Шоҳруҳ Якубов ҳали 22 ёшда бўлишига қарамай ўз иқтидори орқали кўплаб ютуқларни қўлга киритишга улгурган.

— 2010 йилда Фонд Форум ва «Меҳр нури» жамғармалари ҳамкорлигида эълон қилинган «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар — 2010» дастурида ғолиб бўлдим ва фахрий диплом билан тақдирландим, — дейди Шоҳруҳ.

Менга Ўзбекистон «Адолат» СДП «Ёш адолатчилар» қаноти Низомида ёшларга келажакда жамиятнинг ҳал қилувчи кучи сифатида қаралганлиги, йигит-қизларни ягона эзгу мақсад йўлида тарбиялаш ғоялари илгари сурилганлиги ёқди. Бундан ташқари, ёшларнинг жамият ҳаётидаги ўрнига, етакчи сифатида тарбияланишига партия томонидан доимий равишда эътибор қаратилиб келинаётганлиги аҳамиятга молик. Шу боис «Ёш адолатчилар» қаноти аъзолари сафидаги ҳар бир фаолларимиз ўзларига билдирилаётган ишончни оқлашга, партиямиз ғоялари атрофида янада жипслашиб, илмий изланишлари, инновацион тафаккури орқали дастурий мақсадларимизни ҳаётга татбиқ этиш ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқдалар.

Қаҳрамонимиз айни пайтда тиш-жағ имплантологиясининг «Замонавий биоимплантлар билан тишларнинг реплантация усуллари» мавзуси бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда.

— Иқтидорли талабамиз ўз илмий ишида цироконий диоксидидан тайёрланган биоимплантларни беморларда қўллашнинг янги усулларини, даволаш технологияларини яратиш устида изланмоқда, — дейди Бухоро давлат тиббиёт институтининг «Юз-жағ жарроҳлиги» кафедраси мудири, тиббиёт фанлари номзоди, «Адолат» СДП фаолларидан бири Амрулло Иноятов. — Унинг ушбу тадқиқот иши стоматологиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлган қисман ва тўлиқ тишсизликни жарроҳлик йўли билан даволашни янада осонлаштиради, дентал биоплантантлар билан қисқа муддат ичида тайёрланиб, беморларга узоқ вақт хизмат қилишини таъминлайди.

Шоҳруҳ Якубовнинг тиббиёт ва стоматологиядаги долзарб мавзуларга бағишлаб ёзган элликка яқин мақолалари хорижий ва республикамиз илмий нашрларида эълон қилинган.

Дарҳақиқат, Шоҳруҳ Якубов сингари ёшларимиз келажакда ўз маслакдошларини улуғ мақсадлар, амалий ишлар сари ундаб, Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурий ғояларини ёшлар орасида янада кенгроқ тарғиб этиш ва нуфузини юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз!

**Ўзбекистон «Адолат» СДП**
Бухоро вилояти Кенгаши
матбуот хизмати

# Янги иш ўринлари яратилди

Наманган вилоятида истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада жонлантириш яхши самара бермоқда. Ўз навбатида, улар сони ортиб бораётгани қувонарли ҳол. Чунки улар орқали аҳоли орасидаги ишсизлар сонини сезиларли камайтиришга эришилмоқда.

Жумладан, Учқўрғон туманида жорий йилда умумий қиймати 3 миллион 125,7 минг АҚШ долларига тенг миқдордаги лойиҳалар ишлаб чиқилди. Шундан 28 та лойиҳани ҳаётга тадбиқ этилиш орқали 855 та қўшимча иш ўрни яратилди.

Бу каби хайрли ишлар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам самарали давом эттирилмоқда. Масалан, яқинда Янгиқўрғон туманида деворбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Navkent-SifatG'isht" МЧЖ фаолият бошлагач, 20 та иш ўрни яратилди. Туманнинг "Шарқ юлдузи" қишлоғидаги "Устоз-шогирд" хусусий корхонасида эса 15 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

"Уйчи тант" хусусий корхонаси Наманган туманининг Бодомзор маҳалласида яшовчи 15 нафар фуқарони иш билан таъминлаган бўлса, шу туманда янги ташкил этилган "Гавҳар принт Тошбулоқ" кичик корхонасида 10 нафар киши ишли бўлди.

**Саидолим АБДУРАҲМОНОВ**

**Депутатлик гуруҳи**

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашида депутатларимиз сони 5 нафарни, шаҳар ва туман Кенгашларида эса 40 нафарни ташкил этади. Улар фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорларининг жойларда қандай бажарилаётгани, сайловчи ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ҳаётий муаммолар ечимини ўз вақтида илғаш, қонунлар ижросини назорат қилиш ҳамда аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бундан ташқари, депутатлик гуруҳи вилоят Кенгаши сессиясида муҳокама этилган ҳамда сессия кун тартибига киритилган, доимий комиссияларида муҳокама этилган масалалар натижаларини ҳам назорат қилиб, кўриб бормоқдалар.

# Сайловчи ишончини қозониш

## фаолиятимизнинг бош мезони

2012 йилда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи томонидан ана шундай мақсадларга қаратилган 4 та, туман ва шаҳар депутатлик гуруҳларида эса 14 дан зиёд масала муҳокама қилинди.

Сайловчилар билан 41 маротаба, шаҳар ва туман Кенгашидаги депутатлар томонидан 112 та учрашув ўтказилди. Салкам 22 минг нафар фуқаро иштирок этган ушбу тадбирларда асосан «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг мазмун-моҳияти, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни оммалаштириш, ёшларда инновацион тафаккурни шакллантириш, аҳоли сиёсий онги ва маданиятини юксалтириш мавзулари қамраб олинди.

Масалан, Ангрен шаҳридаги Лашкарак, Нишбош ва Облиқ маҳаллаларида, Оҳангарон туманининг Гўшсой қишлоғи, Олмалиқ шаҳридаги кончилик институтида, Юқори Чирчиқ туманининг



бир қатор қишлоқларида ташкил этилган шундай юзма-юз мулоқотлар Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси билан ҳамкорликда ташкил этилгани ўзининг ижобий самарасини берди.

Айниқса, «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши билан ҳамкорликда «Энг билимдон ёш сиёсатшунос» деб номланган бир неча босқичли танловнинг ташкил этиб келинаётгани ёшларнинг Концепцияни янада чуқур ўрганишига кўмак бермоқда. Мазкур кўрик-танловнинг мақсади қатъий сиёсий позицияга эга, билимга чанқоқ, интилувчан, изланувчан ёшларни саралаб олиш, қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Қонун ва қарорларнинг жойларда қандай бажарилаётгани устидан депутатлик назоратини ўрнатиш ҳам фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Сессияларда ҳоким ўринбосарлари, бошқарма ва ташкилот раҳбарлари ҳисоботларини эшитиш амалиёти ижобий натижа бермоқда. Бундан ташқари, депутатлик гуруҳимизга сайловчилардан келиб тушган ариза ва шикоятлар асосида тегишли корхона ва ташкилотларга 12 маротаба депутатлик сўрови юборилди. Масалан, Юқори Чирчиқ тумани Ийик ота посёлкаси фуқароларининг «TASYIZOL» МЧЖнинг атроф-муҳитга чиқараётган заҳарли моддалари тўғрисидаги шикояти бўйича вилоят атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва назорат инспекциясига депутатлик сўрови юборилди. Масала жойида ўрганиб чиқилиб, зарур чоралар кўрилди.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XX сессиясига депутатлик гуруҳимиз томонидан киритилган «Муқобил энергиядан фойдаланиш йўли билан атроф-муҳитни ортиқча ифлосланишдан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги масала бўйича вилоят Кенгашининг 6-сон қарори — қайта тикланадиган энергия манбаларини ишлаб чиқарувчи ускуналарни маҳаллий материал ва ички ресурслардан фойдаланган ҳолда сотиб олиш учун тижорат банкларида кредит линияларини очиш, хонадонлардан чиқариб ташланадиган маиший чиқиндиларни саралаш майдончаларини ташкиллаштириш депутатлик гуруҳимиз томонидан мунтазам ўрганиб борилмоқда.

Депутатларимиз ўзлари аъзо бўлган вилоят Кенгашидаги доимий комиссиялар мажлисларида ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Жумладан, доимий комиссия муҳокамасига Оҳангарон туманида халқ таълими, тиббиёт ва мактабгача таълим муассасаларида муаммоларни ўрганиш таклифи асосида комиссиянинг тегишли қарори қабул қилинди. Масала жойларда ўрганилиб, Оҳангарон туман халқ таълими бўлими, соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарларига аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, яқинда депутатлик гуруҳимизнинг навбатдаги йиғилишида ўтган йилги фаолиятимизни яна бир бор танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқдик. Йўл қўйилган хато ва камчиликларимиздан хулоса чиқариб, «Обод турмуш йили» учун режаларимизни янада такомиллаштириб олдик. Унга кўра, йил мобайнида аҳоли турмуш даражасини ошириш, хусусан, аҳоли бандлигини таъминлашда 2013 йилга белгиланган «Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш» дастури ижросини ўрганиш масалалари юзасидан устувор вазифалар белгилаб олинди.

Хулоса ўрнида айтганда, айни пайтда депутатлик гуруҳимиз томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз, вилоятимиз аҳолиси манфаатларини ҳимоя этиб, улар фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

**Зарифа ЭРАЛИЕВА,**
халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи раҳбари

# Фаришталарнинг опа-сингиллари —

## оналарни, аёл зотини эъзозлаш азалий эзгу қадриятдир

**"Адолат"нинг адолатли аёллари**

Байрам арафасида Ўзбекистон "Адолат" СДП "Аёллар қаноти" Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, партия фракцияси аъзоси Зуҳра Ботирова билан учрашиб, аёлларнинг жамиятдаги, партиядаги ўрни, мавқеи, улар учун яратилаётган шарт-шароитлар каби қатор мавзуларда суҳбатлашдик.

— Халқимиз оналарга, аёлларга доимо ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб келган. Уларни эъзозлаб, қадрлаган. Ғазал мулкининг султони Алишер Навоий "Аёллар — фаришталарнинг опа-сингилларидир", дея таъкидлаган. Чуқур маъно ва ҳаётий фалсафани ўзида жо этган бу сўзлар замирида дунёдаги энг муқаддас зотга бўлган меҳр-муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром мужассам.

Ҳар қандай жамиятда аёлларга бўлган муносабат, уларнинг қонуний ҳуқуқлари ҳимояси ўша жамият маънавиятини, умумий салоҳиятини белгилайди, десак муболаға бўлмайди. Шунинг учун мустақил давлатимиз сиёсатида хотин-қизларнинг ролини янада ошириш, уларнинг фаоллигини кучайтиришга катта эътибор бериб келинмоқда.

*— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг роли тобора ортиб бораётганлиги нималарда намоён бўлмоқда?*

— Аёлларимизнинг жамиятимизда турли жабҳаларда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларга, бунёдкорлик ишларига бўлган қизиқишлари ортиб бораётганида, шу ишларга даҳлдорлик ва масъуллик ҳисси кучайганида, юртимизни обод, элимизни фаровон этишга астойдил интилаётганида кўзга ташланмоқда. Эндиликда нафақат ишда, балки, уйда ўтирадиган, фақат рўзғор юмушлари ва фарзанд тарбияси билан шуғулланадиган аёлларимизнинг ҳам дунёқараши кенгайди. Уларнинг маънавий, ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан онги ўсди. Бу ўзгаришлар уларнинг фарзандларига ҳам кўчди: ёшлар салоҳияти кучайди. Ўзларига яратилган қулай шарт-шароит ва имкониятлар туфайли хотин-қизлар бугунги кунда турли жабҳаларда қизғин фаолият кўрсатмоқда. Сиёсий жараёнларда фаол иштирок этаяпти.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини таъминлаш, ҳокимиятни бошқариш ишларига кенг жалб этиш мақсадида **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига** сиёсий партиялардан депутатликка кўрсатиладиган номзодларнинг камида ўттиз фоизини хотин-қизлар ташкил қилиши лозимлиги хусусидаги қатъий норма киритилди. Натижада, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги 150 нафар депутатдан 33 нафарини, 100 нафар Сенат аъзоларидан 15 нафарини аёллар ташкил қилмоқда. Шунингдек, бугун ўзбек аёли Қонунчилик палатаси Спикери, Бош вазир ўринбосари, вазир, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосари, етук тадбиркор, турли нуфузли ташкилот ва муассасалар раҳбари каби масъулиятли лавозимларда муваффақиятли фаолият юритмоқда.

*— Ўзбекистон "Адолат" СДП ўз фаолиятининг илк давриданоқ хотин-қизлар масаласига муҳим эътибор қаратиб келмоқда.*

— Адолатга, адолатпарварликка ўз табиати, ҳушёрлиги, сезгирлиги, нозик туйғуси, болажонлиги, ғамхўрлиги, меҳрибонлиги туфайли энг аввало, аёл зоти жуда мойил бўлади. Адолатга, ҳақиқатга интилиб яшайди. Шу боис бўлса керак, Ўзбекистон "Адолат" СДП ташкил этилган дастлабки даврданоқ ушбу партияга хотин-қизларнинг қизиқиши ва интилиши кучли. Қолаверса, социал-демократиянинг адолатлилик, бағрикенглик ва эркинлик каби асосий принциплари аёллар манфаатига ҳам тўла мос тушади. Эндиликда партиямиз сафидаги 91 минг нафардан ортиқ аъзолар сонининг деярли 49 фоизи, 44 минг нафардан ортиғини аёллар ташкил қилиши тасодифий ҳол эмас, деб ҳисоблайман. Ўзбекистон "Адолат" СДП хотин-қизларга доимо таянади ва уларни жамият тараққиётидаги салоҳиятли кучлардан бири, деб ҳисоблайди.



*— Ўзингиз кўп йиллардан буён партиянинг "Аёллар қаноти" Кенгашини бошқариб келаяпсиз. Кенгаш бугун қандай амалий ишлари, ташаббуслари билан тилга тушмоқда, партия ғояларидан келиб чиқиб, қатор соҳалар билан бирга хотин-қизлар, аёлларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш учун нималарга эътибор бераяпти?*

— Партия ва унинг асосий бўғини бўлган "Аёллар қаноти" дастурда белгиланган хотин-қизларга оид вазифаларни амалга ошириш, хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги муносиб иштирокини таъминлаш, энг муҳими, жамиятдаги ҳар бир аёл ўз салоҳиятини намоён этиши учун реал имкониятлар яратишнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш, аёлларнинг жамият аъзоси сифатидаги фаолияти баробарида унинг оиласи барқарорлиги, фарзандлари тарбияси, ижтимоий муҳофазасига оид қонунчиликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб келмоқда. Ушбу мақсадда партиянинг жойлардаги "Аёллар қаноти", бошланғич партия ташкилотлари "Аёллар қаноти" Кенгаши билан ҳамкорликда тизимли равишда ўқув семинарлари, давра суҳбатлари, учрашувлар, турли шакл ва усулларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда.

"Адолат" СДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси эса жойларда хотин-қизларга оид амалдаги қонунларнинг ижросини таъминлашга, аёллар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига, оналик ва болаликни, оилани, ёшларни ижтимоий муҳофаза қилишга, таълим тизимини такомиллаштиришга, фуқаролар соғлиғини сақлаш, репродуктив саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш устида иш олиб бормоқда. Оддий сўз билан айтганда, жамиятдаги ҳар бир аёл ўзининг муносиб ўрнига, фаровон ва обод турмушига эга бўлиши, адолатли, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда фаол иштирокчиги айланиши учун зарур ишларни қилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, "Адолат" СДП турли даражадаги вакиллик органларида хотин-қизлар сонини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор бериб келмоқда. Яъни, сайловларга оид миллий қонунчилигимизда аёллар учун яратилган ҳуқуқий имтиёз ва имкониятдан унумли фойдаланганi боис, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сафидан 2004 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган сайловларда 3 нафар аёл Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган бўлса, 2009 йилнинг декабрида бўлиб ўтган сайловларда ушбу кўрсаткич 7 нафарга етди.

*— Айнан сиз, депутат сифатида қанча қонунларларни яратиш устида ишладингиз ва уларда партия ғоялари ўзининг қандай ифодасини топди? Қайси қонунларни яратишда ташаббускорлик кўрсатдингиз? Улар халқимизга бугунги кунда қандай наф келтираяпти?*

— 2005 йилдан бери Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Олий Мажлис Қуйи палатасидаги фракцияси аъзосиман. Профессионал парламент аъзоси сифатида аҳолини, ногиронларни, оилани, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, эл соғлиғини сақлаш, фан, таълим соҳаларини ривожлантириш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни кенг йўлга қўйиш, мазкур йўналишларда хотин-қизлар ва ёшлар иштирокини кучайтириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини замон талабларига хос ва мос равишда мунтасил ошириб бориш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилаяпмиз.

Ўзбекистон Республикасининг "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида", "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Қонунлари қабул қилинишида ишчи гуруҳи аъзоси сифатида ўз ҳиссамизни қўшганмиз. Шунингдек, мамлакатимизнинг қатор ҳудудларида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида", "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида", "Давлат санитария назорати тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида", "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида", "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида", "Таълим тўғрисида"ги қатор Қонунларнинг ижросини назорат-таҳлил фаолияти доирасида ўрганиб, мутасаддилар иштирокида муҳокама этяпмиз. Улар юзасидан билдирган таклиф-мулоҳазаларимиз жойларда инобатга олинаётганлигидан мамнунмиз.

Бугунги кунда қонун ташаббускорлиги ҳуқуқидан фойдаланиб, фракциядошларимиз ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги етук мутахассисларни жалб этган ҳолда бир қатор қонун лойиҳалари устида иш олиб боряпмиз.

*— Фракциянинг ҳозирги кундаги фаолияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?*

— Бугунги кунда фракциямизда "Сил касаллигининг олдини олиш ва уни даволашга доир қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги ва бошқа қонун лойиҳалари муҳокама қилинмоқда.

*— Айнан "Адолат" СДП сафига кирганлигингизнинг боиси нимада?*

— Табиатан адолатпарварлигим боис шу сиёсий кучни танладим, партияга аъзо бўлдим. "Адолат" СДП илгари сурганидек, жамиятда адолат, чин маънода — ҳаётимизнинг бош мезони бўлишига эришишни, барчанинг муносиб, фаровон ва обод ҳаёт кечиришини истайман.

*— Юртимизда баҳорнинг энг гўзал ва бетакрор байрами — 8 март айёми нишонланмоқда. Мамлакатимиз хотин-қизларига, сафдошларингизга тилак-истакларингиз?*

— Байрам барча онахонларимизга, муҳтарама опа-сингилларимизга муборак бўлсин! Қадри улуғланаётган ўзбек аёлларининг бугунги дориламон кунларига, бахтли-саодатли ҳаётига асло кўз тегмасин. Улар вояга етказган ўғил-қизлар юртимизга муносиб фарзандлар бўлишсин. Ҳар бир хонадонда чақалоқнинг ширин кулгуси жарангласин. Босган изларидан ҳамиша гуллар унсин. Уларнинг барчаларига узоқ умр, тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилайман.

Суҳбатдош:
**Рустам АҲМАДАЛИЕВ,**
"Adolat" мухбири

# Қуйи бўғинларсиз

## дастурий ғоялар тарғиботида муваффақиятга эришиб бўлмайди

**Бошланғич ташкилотларда**

Бошланғич партия ташкилотлари «Адолат» СДП дастурий ғоя ва мақсадларини жойларда кенг тарғиб этишнинг асоси ҳисобланади. Айнан қуйи бўғинлар фаоллиги натижасида партия сафлари тобора кенгайиб, сиёсий жиҳатдан етук, партия ғояларига хайрихоҳ, шижоатли, ўз мустақил фикрига эга бўлган аъзолар ҳисобига ортиб бораяпти.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Чортоқ тумани кенгаши томонидан Боғистон қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилган "БПТлар фаолиятини такомиллаштиришда замонавий ёндашув" мавзуидаги тадбирда ҳам қуйи ташкилотлар фаолиятига кучли эътибор қаратиш келгусида аҳолининг барча қатламлари орасига кириб боришда муҳим омил бўлиши ҳақида сўз борди.

— Партия аъзолари сафини кенгайтириш, қуйи бўғинлар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича вилоятда олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турибмиз, — дейди Чортоқ туман партия кенгаши раиси Ҳ.Мирабдуллаева. — "Адолат"чиларнинг туман ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги мавқеи ҳам тобора ошиб бормоқда. БПТлар фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун аввало Кенгаш иш фаолияти изчил ва намунали йўлга қўйилмоғи лозим. Шу мақсадда жорий йилда «Обод турмуш йили» Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда, кенгаш таркибидаги ҳар бир ташкилотда давра суҳбатлари, сиёсий ўқишлар ташкил этиш йўлга қўйилди. Ўз навбатида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг мақсад ва вазифалари, дастури, хусусан, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, демократик ҳуқуқий давлат, кучли, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, маънавий жипслашган жамиятни шакллантиришга, қолаверса, давлатимиз томонидан қабул қилинаётган янги қонунларни омма ўртасида кенг тарғиб қилишда айнан қуйи бўғинлар муҳим роль ўйнайди.

Давра суҳбатида Чортоқ туманидаги маҳаллаларда БПТлар фаоллигини ошириш, аҳолининг кам таъминланган қатламлари билан иш олиб бориш ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаоллигини ошириш масалаларига ҳам атрофлича тўхталиб ўтилди.

— Ҳозирги кунда вилоятимизда 6250 нафарга яқин партия аъзоси 160 та бошланғич ташкилот атрофига бирлашган, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилояти Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи О.Мақсудов. — вилоятдаги БПТларнинг маҳаллалардаги фаолиятини кучайтириш юзасидан ҳали талай амалий ишларни бажаришимизга тўғри келади. Чунки фуқаролар орасига кириб боришда маҳалла асосий ўрин эгаллайди. Айниқса, ўзини ўзи бошқариш органларида ташкил этилган қуйи бўғинлар маҳаллада кимнинг қандай салоҳиятга эгалигини яхши билади, улар орасидан етук, фаол кишиларни танлай олишади.

Шунингдек, тадбирда Боғистон ҚФЙдаги БПТ раиси У.Дадажонов ва бошқа фаоллар хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида партия ғояларини кенг тарғиб этиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифларини илгари суришди. Айниқса, фаол хотин-қизлар иштирокида ўтаётган тадбирларни Обод турмуш йилида ҳам изчил давом эттириш, оила ва жамиятда аёлларнинг ролини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини билдиришди.

Тадбир сўнггида бир гуруҳ партия фаоллари Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят Кенгашининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган бўлса, партия аъзолари сафига кирган ўн нафардан ортиқ ёшларга партия билетлари топширилди.

**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
Наманган вилояти Кенгаши матбуот хизмати

# Демократлашаётган ва эркинлашаётган суд тизими

**Концепция: устувор вазифалар**

Қонун ва қонунчилик устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган, давлат ҳокимиятининг ғоят муҳим тармоғи бўлган суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштириш ва эркинлаштириш ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва модернизация қилиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган узоқ муддатли ва изчил ислоҳотлар дастурининг энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади.



Таъкидлаш жоизки, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси барча жабҳада изчил амалга оширилмоқда.

Концепцияда белгиланган вазифаларнинг нечоғли тўғри ва ҳаётий эканини, унинг замирида ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун деган тамойил мужассамлигини кун сайин теранроқ англамоқдамиз.

Юртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг янги сифат босқичини бошлаб берган.

Мазкур тарихий дастурда суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва социал кафолатларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Республикамизда суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишнинг замонавий демократик тамойилларга асосланган тизими яратилган. Ривожланган демократик давлатларнинг тажрибаси ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича ўтган давр давомидаги ишларнинг танқидий таҳлили шуни кўрсатадики, суд органларининг давлат бошқарувидаги роли ва аҳамияти янада оширилишини таъминламасдан, уларнинг ваколатлари ва мустақиллигини кучайтирмасдан туриб мамлакатни сиёсий ҳамда иқтисодий янгилаш ва модернизация қилишда муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Ўтган йиллар мобайнида қабул қилинган қонунлар, хусусан, "Судлар тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, ҳокимият тармоқларининг бўлиниши конституциявий принципини амалга ошириш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, уни мустақил институтга айлантириш борасида улкан ишлар олиб борилмоқда.

2012 йил 2 августда қабул қилинган "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришда яна бир муҳим қадам бўлди.

Мазкур Фармоннинг қабул қилиниши судьяларга ва суд тизими ходимларига янада кўпроқ имкониятлар, имтиёз ва преференцияларни тақдим этди. Хусусан, 2012 йил 1 августдан бошлаб Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари (ҳарбий судлардан ташқари) ва хўжалик судлари судьяларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнат ҳақи разрядлари белгиланди.

Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари (ҳарбий судлардан ташқари) ва хўжалик судлари судьялари ҳамда мазкур суд идораларининг мансаб даражасига эга бўлган ходимларининг алоҳида меҳнат шароитлари учун лавозим маошларига янги ойлик устама ҳақ миқдори тасдиқланди. Шунингдек, Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари (ҳарбий судлардан ташқари) ва хўжалик судлари судьялари хизмат вазифаларини бажаришлари муносабати билан оладиган даромадлари жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ тўловидан озод қилинди.

Шунингдек, судьяларга имтиёзли шартлар асосида уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратишни, шунингдек турар жойлар ижараси учун ҳар ойда пул компенсацияси тўлаб боришни назарда тутувчи имтиёзлар берилиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, Фармонда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Олий хўжалик суди билан ҳамкорликда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурини тасдиқлаш ҳамда судларнинг таркибий тузилмасида ахборотлаштириш масалалари бўйича алоҳида бўлинмалар ташкил қилиш масалалари назарда тутилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Фармонда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб бир қатор вазирлик ва идоралар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Хусусан, Фармон ижроси юзасидан 2012 йил 31 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Судьяларга имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олишга узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш ҳамда судьяларга уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиблари тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси томонидан Олий ва Олий хўжалик судлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳада компьютерлаштириш даражаси ҳамда компьютер техникасидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга оид ахборот-коммуникация технологияларини судлар фаолиятига жорий этиш масалалари, шу билан бирга, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, қоғозсиз иш юритишга ўтишни назарда тутувчи электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш, ахборот тизими ва ресурсларини яратиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли учун интерактив хизматларнинг сифатини яхшилаш ва рўйхатларни кенгайтириш масалалари назарда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Умумий юрисдикция судларининг тузилмасига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги Фармони лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳа умумий юрисдикция судларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилди. Лойиҳада фуқаролик ишлари бўйича судларнинг тузилмасига ўзгартириш киритиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, жумладан, янги ташкил этилаётган судларни ускуналар, автотранспорт, мебель жиҳозлари ва замонавий техника билан таъминлаш масалалари назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан юқоридаги Фармон ижроси юзасидан ишлаб чиқилган яна бир лойиҳа бу — "Суд органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги" Қонун лойиҳасидир. Лойиҳада судьялик лавозимига номзодларнинг ёш цензини узайтириш, яъни 30 ёшга тўлган, 5 йил юридик ихтисослиги бўйича иш стажига эга бўлган шахслар судьялик лавозимига тайинланиши мумкинлиги назарда тутилган. Шунингдек, лойиҳа судьяларни даромад солиғидан озод қилиш, уларни лавозимдан озод қилингандан кейин шахсий дахлсизлигини сақланиб қолиши масалаларини, бундан ташқари судьяларга ва уларнинг оила аъзоларига бепул тиббий хизмат кўрсатиш ҳуқуқини бериш ҳамда лавозимидан озод қилингандан кейин ҳам ушбу ҳуқуқнинг сақланиб қолиш масалаларини назарда тутади. Мазкур лойиҳанинг қабул қилиниши суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва социал кафолатларни кучайтиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, Адлия вазирлиги томонидан Фармондан келиб чиқиб, "Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилинганлиги мамлакатимизда судлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича жиддий ҳуқуқий ва муҳим қадам, пировардида эса янада ижобий амалий ўзгаришларнинг асоси бўлиб қолади, десак муболаға бўлмайди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган шу каби ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ҳар бир онгли фикрлайдиган инсон учун очиқ ва тушунарли бўлган, улар шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсоннинг амалий ишига айланган тақдирдагина мамлакатимизни янада ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг муваффақиятини таъминлашимиз мумкин.

**Даврон ҚАЛАНДАРОВ,**
Адлия вазирлиги Жиноий, маъмурий ва ижтимоий қонунчилик бошқармаси бош маслаҳатчиси

**Давра суҳбати**

Мамлакатимизда истеъмолчилар манфаатлари ва ҳуқуқларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш тизимида жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотларининг таъсир доираси ошиб бормоқда.

# Федерация "Адолат"нинг ишончли шериги

Ушбу соҳада мавжуд имкониятлар ва қонунчиликда белгиланган ваколатлардан самарали фойдаланиш масалалари Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ва Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган "Истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштиришда ижтимоий шериклик муносабатлари" мавзуидаги давра суҳбатининг диққат марказида бўлди.

Тадбир давомида Ўзбекистон "Адолат" СДП, "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти ҳамда Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва "Истеъмолчи" ижтимоий-иқтисодий газетаси таҳририяти ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Унга асосан аҳоли ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва истеъмол маданиятини оширишга қаратилган маърифий тадбирлар, жамоатчилик назоратини ташкил этиш бўйича 2013-2014 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси белгиланди.

— 2010 йилдан буён Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси билан ижтимоий шерик сифатида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси И.Сайфназаров. — Шу қаторда федерация вакиллари партия Сиёсий Кенгаши ва унинг Ижроия Қўмитаси, парламентдаги партия фракцияси ишида ўз тавсиялари билан иштирок этиб, аҳоли орасида партия манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда яқиндан кўмак бериб келмоқдалар. 2011 йилдан буён эса тегишли иш режа асосида ҳудудий партия ташкилотлари билан ҳамкорлик доирасида жойларда 100 дан ортиқ амалий ишлар ва тадбирлар ўтказилди.

Шунингдек, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси қонун ижодкорлиги фаолиятида Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси кўмагидан кенг фойдаланиб келинмоқда. Хусусан, фракциянинг қонунлар муҳокамаси юзасидан бўладиган ҳар бир мажлисида федерациянинг вакиллари иштирок этиб, қонун лойиҳаларини такомиллаштириш бўйича ўз тавсияларини бериб келмоқдалар.

Бугун ҳамкорлик ишларини янада кенгайтириш, икки ташкилот манфаатларини рўёбга чиқаришда кучларни жипслаштириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишида замонавий иш услуби ва усулларини ишлаб чиқиш талаб этилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, партия фракцияси раҳбари С.Турсунов таъкидланганидек, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар, хусусан, кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш, бизнес-тузилмаларнинг ижтимоий масъулиятини янада ошириш ва энг муҳими инсон ҳуқуқларини таъминлашга оид ислоҳотларни ривожлантириш борасида партия фуқаролик жамиятининг демократик институтлари билан ҳамкорлигини кучайтириб, мазкур вазифаларни таъминлашда жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва зарур тавсияларни ишлаб чиқиш орқали ушбу жараёнларда ўз иштирокини таъминлашни муҳим деб қарайди.

Шундан келиб чиқиб, аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш шаклларини кенгайтириш учун Ўзбекистон "Адолат" СДП ва Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси 2013-2014 йилларда ўз эътиборларини истеъмолчилар манфаатида ҳамкорликка сафарбар этмоқдалар.

Давра суҳбатида шунингдек, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси белгиланган устувор вазифаларнинг бугунги ижроси, "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлашда жамоат ташкилотларининг иштироки шакл ва услублари хусусида маърузалар тингланди. Давлатимиз раҳбари ва Вазирлар Маҳкамасининг пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирларига қаратилган қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда пластик карточкаларнинг кенг жорий этилиши ҳамда тўлов тизимини такомиллаштириш ва истеъмолчилар манфаатларини таъминлаш юзасидан жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, жамоатчилик ишларини ташкил этиш тўғрисидаги масалалар атрофлича муҳокама этилди.

**Ўз мухбиримиз**

# Аграр соҳадаги ислоҳотлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини беради

**Депутат минбари**

Ўтган йил иқтисодиётимизнинг барча соҳалари, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги учун ҳам юксалиш ва ривожланиш даври бўлди, дейишимизга тўла асос бор, албатта.



**Алишер АКРАМОВ,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Республикамизда 3 миллион 600 минг тоннадан зиёд пахта, 2 миллион тоннадан ортиқ ғалла етиштирилгани, қолаверса, пиллачилик ва чорвачиликда ҳам қувонарли натижаларга эришилгани ана шундан далолат беради.

Албатта, ҳар қандай муваффақият замирида инсон омили мужассам. Буни Президентимиз 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидлаб, хусусан, аграр соҳада қўлга киритилган ютуқларда ўзини аямасдан меҳнат қилган қишлоқ хўжалиги мутахассислари, деҳқону механизаторлар қаторида фермерларнинг ҳам ҳиссаси катта эканлигини алоҳида эътироф этди. Бугун фермерларимиз эса қишлоқ мулкдори бўлганлигидан бениҳоя ғурурланиб яшамоқда.

Дарҳақиқат, фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг таянч кучига айланди. Бу борада, табиийки, давлатимиз томонидан ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий шарт-шароитлар тўла яратиб берилганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Фермерларда мулкка эгалик ҳиссининг йил сайин кучайиб бораётгани эса, пировардида юртнинг обод бўлиши, халқимизнинг турмуш даражаси ошишига хизмат қилаяпти.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигида кичик бизнесни янада ривожлантириш, фермерлик ҳаракати самарадорлигини ошириш, боғдорчиликка илғор технологияларни жорий этиш қишлоқ аҳолиси бандлиги ва даромадлари ўсишида муҳим ўрин тутиши Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 14 февралда имзоланган қарорига мувофиқ қабул қилинган «Обод турмуш йили» Давлат дастурида ҳам ўз ифодасини топган.

Давлат дастурида тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасига кредит ажратишни кенгайтириш ҳисобга олинган ҳолда, ҳудудларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни кўпайтириш, узумчилик, чорвачилик ҳамда ипакчиликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги корхоналарини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашга доир чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Масалан, 6,7 минг гектар майдонда янги боғлар, 3,5 минг гектар майдонда интенсив боғлар, 6,8 минг гектар майдонда токзорлар яратиш ҳамда мавжудларини реконструкция қилиш орқали 15 минг нафар қишлоқ аҳолисини боғдорчилик фаолиятига жалб этиш режалаштирилмоқда. Бунинг учун 95,2 миллиард сўм йўналтирилади. Чорвачилик ва ипакчиликни ривожлантириш учун эса 345,9 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилмоқда. Ҳар бир туманда 10 мингта парранда парваришланадиган камида ўнта янги паррандачилик хўжалиги ва 500 асалари оиласи, ҳар бир ҳудудда камида 30-40 балиқчилик хўжалиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси корхоналарида ипак қуртини боқиш учун камида 10-15 ипакчилик комплексларини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши йилига қўшимча 32 минг тонна парранда гўшти ва 330 миллион дона тухум, 970 тонна асал, 2,4 минг тонна балиқ етиштириш имконини беради.

Маълумки, ҳозирги пайтда жаҳон бўйича озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда ва аҳолини бу каби маҳсулотлар билан таъминлаш глобал муаммолардан бири бўлиб бормоқда.

Юртимиз аҳолисини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда барқарорликка эришилаётгани бизни қувонтиради. Айниқса, пахта ва ғаллачилик каби стратегик муҳим қишлоқ хўжалиги экинлари билан бир қаторда, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик соҳаларида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди, қайта ишлаш тармоқлари ва ички бозорни сут, гўшт, картошка, сабзавот каби кундалик турмушдаги энг муҳим озиқ-овқат ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан янада кўпроқ тўлдириш учун мустаҳкам хомашё базаси яратилди.

Бу борадаги кенг кўламли ислоҳотлар жорий «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланганини қувонарли, албатта. Жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, хусусан, сут, гўшт, мева-сабзавот ва узумни қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун янги корхоналар барпо этиш, мавжудларини реконструкция ҳамда модернизация қилиш бўйича умумий қиймати 94,5 миллиард сўмдан ортиқ 288 лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси дастурида қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш, уни инновацион-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқда инфратузилмани янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш партиянинг устувор вазифаси сифатида белгиланган. Шу нуқтаи назардан айтганда, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар партиямиз мақсад ва вазифаларида ҳам ўз аксини топгани боис Давлат дастури ижросини таъминлаш, унинг назоратини кучайтиришда партиямиздан сайланган барча даражадаги депутатлар фаол иштирок этишлари шарт.



# Баркамол авлод тарбиясида оиланинг ўрни

**2013 йил — Обод турмуш йили**

Оила авлодларнинг давомийлигини, унинг абадийлигини таъминлайдиган, асрлар давомида шаклланиб келаётган урф-одатларимизни сақлайдиган, фарзандларимизни келажак кишиси қилиб тўғри йўлга бошловчи катта тарбия ўчоғидир. Оила миллий қадриятларимизнинг асосий таянчи ва у қадриятларнинг бардавомлигини таъминловчидир. Шунинг учун ҳам жамиятимизда оилани мустаҳкамлаш, ҳаётимизда оиланинг ўрни, унинг мазмун-моҳияти ва таъсирини кучайтириш учун кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда.



Диёримизда оила маънавияти ва маданияти асрлар давомида ўзига хос тарзда шаклланган. Ватанга, ота-онага содиқлик ва фидойилик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Булар заминида ёшларга оилада, таълим масканларида, маҳаллаларда бериладиган таълим-тарбия ётади. Оилада сингдирилган тарбия — Ватанга муҳаббат, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат каби юксак инсоний фазилатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Оила, аввало, фарзанднинг мурғак юрагига, нозик вужудига, руҳига меҳр берувчи бўстондир. Фарзанд бу меҳрни онасининг иссиқ бағридан, майин овозидан, кўзларидан, оппоқ сутидан олади. Бу унинг ҳар бир томирига жондай кириб бораркан, кўзи ёруғликка, вужуди товушларга, руҳи оромга интилади. Фарзанднинг руҳан ва жисмонан соғлом ўсишида ота-онанинг ўз бурчи ва вазифаларига садоқат ва фидойилик билан ёндашишлари жуда муҳим. Улар фарзандининг нафас олишидан тортиб, ҳар бир ҳаракатига қизиқишлари, назорат қилиб туришлари, ҳар бир ишни сидқидилдан бажаришлари олдинга қўйилган мақсадга олиб келади. Шундагина ўсаётган боланинг жисми ва руҳида соғлом уйғунлик вужудга келади. Буюк муҳаддис Имом Бухорий: "Фарзандларни диққат-эътибор билан тарбия қилинг. Фазилат, одоб ва ахлоқ ўргатиш, хулқларини гўзаллаштириб, уст-бошларидан зиёда ақл-идрокларини тарбия қилинг", дейди. Демак, аввало аёл фарзандига ана шу гўзал хулқни ўргатади. Бу ерда оналарнинг педагогик донишмандлиги, уларнинг бой маданияти юзага чиқиши керак. Фарзандлар онги ўсиб, ўз бурчларини тушуниб олишларини кутиб турмасдан, уларга бу бурчларни туйғу сифатида сингдириш лозим. Онага бўлган ҳурмат табиий равишда муҳаббатдан, унга бўлган меҳрибонликдан ўсиб чиқмоғи, шунингдек, туйғу сифатида шаклланмоғи лозим.

Фарзандларни тарбиялаш ишида энг муҳим шароит — оиланинг мустаҳкам, маънавий соғлом асосга қурилганлиги, айниқса, ота-онанинг ўзи тарбияланган, улар ўртасида тотувлик, аҳиллик, чин дўстлик барқарор бўлиши, фарзандларини келажак ҳаётга тайёрлаш, уларнинг кундалик эътиқод тарзида масъулиятли бурчи эканлигини тушунишлари керак.

Фарзандга оилада ота-она аввало шахсий ўрнак кўрсатиш орқали, бир-бирига самимий ва илиқ муносабатлари, ҳурмати ва иззати, бири-бирини тушунишлари тарбиявий жараённи ташкил этса, иккинчидан, унга маънавий-маданий хиссиётларни сингдириб бориши зарур. Яъни, меҳр бор жойда ҳаёт гуллайди. Фарзанд туғилган кунидан бошлаб, худди шу жойда — оилада яшайди. Оилага хос қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантириб боради. Энг муҳими, оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади.

Ота-онанинг фарзанди тарбиясига эътибори келажакда мустақил фикрлайдиган шахснинг камол топишига бевосита таъсир этади. Демакки, Ватанимизнинг муносиб фарзандлари, яъни ижодий фикрлайдиган, мустақил хулосалар чиқарадиган, келажакда қайси бир соҳа мутахассиси бўлишидан қатий назар, Ўзбекистон мустақиллигининг истиқболига муносиб ҳисса қўша оладиган инсон бўлиб етишади.

Маънавий ҳаётимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни кенг қарор топтиришда, бизнинг миллий табиатимиз, урф-одатларимизга зид бўлган ҳар қандай зарарли таъсирлар, бузғунчи ғояларга қарши туришда, азалий қадриятларимизни асраб-авайлашда ҳам оиланинг ўрни беқиёсдир. Ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук, ўз мустақил фикрига эга, оқни қорадан ажратишга, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг соғлиғини асраш, ҳаётга йўллашда оиланинг ўрни беқиёс.

**Разия МАТИБАЕВА,**
тарих фанлари номзоди,
Тошкент ислом университети
хотин-қизлар қўмитаси раиси




Reklama

# Оилалар фаровонлигини ошириш йўлида

«Агробанк» ОАТБ Наманган вилояти бошқармаси вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланишига, янги замонавий корхоналар ташкил этиш орқали бандликни таъминлашга, оилалар фаровонлигини оширишга муносиб ҳиса қўшиб келмоқда. Бинобарин, 2013 йилнинг ўтган даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида барча молиялаш манбалари ҳисобидан 6 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар ажратилгани фикримиз исботидир. Молиялаштирилган манбалар ҳисобидан эса 345 та янги иш ўринлари яратилган.

Юртимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамият касб этаётир. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоят хотин-қизлар қўмитаси, тадбиркор аёллар уюшмаси билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. «Агробанк» тизимида тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш бўйича 2013 йилнинг 1 март ҳолатида жами 63 та тадбиркорга 681,4 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Молиялаштирилган манбалар ҳисобидан ташкил этилган кичик корхоналарда эса 81 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

— Мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланаман деганларга барча имкониятлар яратилган. Мен ҳам мана шу имкониятдан оқилона фойдаланиб, ўз бизнесимни йўлга қўйдим, — дейди "Шахризода Шифо Сервис" хусусий корхонаси раҳбари Малохатхон Момохонова. — Хусусий тиббиёт клиникамизга замонавий жиҳозлар олиб келиш режасини «Агробанк»нинг Чуст филиалига топширдик. Филиал тез фурсатда бизнинг режамизни қўллаб-қувватлаб, тиббий ускуналарни сотиб олиши учун 40 миллион сўм узоқ муддатли қарз ажратди. Айни пайтда тўлиқ замонавий технологиялар билан таъминланган клиникамизда 6 киши меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда «Мамлакатимизда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ижросини бажариш юзасидан бошқарма томонидан тадбиркорлик субъектлари ва ишлаб чиқарувчиларнинг лойиҳалари молиялаштирилиб келинмоқда. Хусусан, шаҳар ва туман аҳолисини озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлақонли таъминлаш учун жорий йилнинг ўтган даврида 2,5 миллиард сўмлик қисқа ва узоқ муддатли кредитлар йўналтирилди.

Масалан, Тўрақўрғон филиали "Ҳилола Садиниса Нигора" хусусий корхонаси томонидан тақдим этилган иссиқхона қуриш учун қурилиш материаллари сотиб олиш лойиҳаси 60 миллион сўмга молиялаштирилди. Эндиликда, тадбиркор томонидан халқимиз дастурхонига йилнинг тўрт фасли давомида сабзавот ва ҳар хил кўкатлар етказиб бериш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, шу ҳудуд ёшларидан бештасига янги иш ўрин яратилди.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Хусусан, аҳолининг шахсий ва дала томорқаларидан самарали фойдаланиши, уларга талаб этиладиган моддий ресурслар: сара уруғ, кўчат ва минерал ўғитларнинг етказиб берилиши бу вазифаларнинг асосини ташкил этади. Жорий йилда ҳам жойларда ҳокимликлар билан келишилган ҳолда банкнинг 11 та филиалидан 42 та банк ходимларидан иборат отрядлар тузилди. 42 та автомашиналар орқали кўчма дўконлар кўмагида 33 турдаги уруғ ва кўчатлар, минерал ўғитлар, кимёвий воситалар аҳолига етказиб берилмоқда.

Бундан ташқари, банк томонидан қишлоқ фуқаролар йиғини ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида аҳолига кўчат, уруғ ва иш анжомларини етказиб бериш мақсадидаги стендлар бурчаги ташкил этилди. Ҳозирга қадар ушбу мақсадлар учун аҳолига 279 миллион сўмдан ортиқ микрокредитлар ажаратилди. Қишлоқ ҳудудларида интенсив боғларни ташкил этиш лойиҳаларига ҳам банк томонидан кредитлар ажратилмоқда.

Албатта, бошқарма томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган вазифаларнинг барчаси халқимизнинг турмуш даражасини оширишга қаратилган. Бу борада банк ўз хизматларини янада кенгайтириш орқали мижозлар сонини ошириб бораверишига шубҳа йўқ.

**Абдуғани СОДИҚОВ,**
«Adolat» мухбири

**Истеъмолчи ҳуқуқлари — қонун ҳимоясида**

## Мурожаатлар ижобий ҳал бўлмоқда

Тошкент вилояти истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси томонидан истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Янгийўл шаҳар Маърифат кўчаси, 66-уйда яшовчи бир гуруҳ фуқаролар уйлари иссиқ сув, иссиқлик билан таъминланмаётгани ва электр энергияси тез-тез ўчиб туриши юзасидан шикоят аризаси билан мурожаат қилишган. Ушбу ҳолатни ўрганиш учун Янгийўл туман "Электр таъминоти" ва "Иссиқлик манбаи" бўлимлари ва шу ҳудудга қарайдиган ширкат ходимлари таклиф этилиб, шикоят аризаси кўриб чиқилди. Электр таъминоти етказилиши назоратга олинди. Маърифат кўчасидаги 64,66,68,70-уйлар иссиқлик манбаи билан таъминланди ва ҳудуддаги ширкат томонидан иссиқлик берилмаган кунлар учун алоҳида тўлов ундирилмаслигига эришилди.

* * *

Янгийўл туманидаги Бобур маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 26-мактаб ота-оналар қўмитаси раиси ва бир гуруҳ фуқаролар маҳалла ҳудудидан Янгийўл шаҳрига қатновчи "Автомобилчи-Собиржон" масъулияти чекланган жамиятига қарашли "Дамас" авто-уловлар нархи бирмунча баландлиги, яъни 2000 сўмни ташкил этишини ва бу нарх коллеж ўқувчиларига ўқишга қатнаши учун оғирлик қилаётгани тўғрисида ёзма шикоят аризаси билан Янгийўл тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига мурожаат қилишган.

"Автомобилчи-Собиржон" МЧЖ раҳбарияти билан ҳамкорликда юзага келган вазият ўрганилиб, 2013 йил феврал ойи тендерда таклиф қилинган нарх, яъни йўлкира ҳақи 1100 сўм қийматида транспорт воситалари қатновига эришилди.

**Г.САҒАТОВА,**
Тошкент вилояти Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси ижро этувчи аппарати матбуот ва ахборот сектори мутахассиси

Reklama

**ФАҚАТ КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Объектлар номи:
**ЛОТ 4**

**ЛОТ 4.1. Фарғона вилояти Бағдод тумани Самарқанд ҚФЙ Самарқанд қишлоғидаги 40 та намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш.**
*Бошланғич нархи* — 108 344 500 сўм ҚҚС билан; 90 287 100 сўм ҚҚСсиз.

**ЛОТ 4.2. Фарғона вилояти Данғара тумани Тайпоқ ҚФЙ Қум қишлоғидаги 15 та намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш.**
*Бошланғич нархи* — 146 752 100 сўм ҚҚС билан; 122 293 400 сўм ҚҚСсиз.

**ЛОТ 4.3. Фарғона вилояти Данғара тумани Оқжар ҚФЙ Бино қишлоғидаги 15 та намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш.**
*Бошланғич нархи* — 145 183 300 сўм ҚҚС билан; 120 986 100 сўм ҚҚСсиз.

**ЛОТ 4.4. Фарғона вилояти Қува тумани Гулобод ҚФЙ Зиёкор қишлоғидаги 18 та намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш.**
*Бошланғич нархи* — 135 491 880 сўм ҚҚС билан; 112 909 900 сўм ҚҚСсиз.

**ЛОТ 4.5. Фарғона вилояти Фарғона тумани Лоғон ҚФЙ ММТП массив "Лоғон-Маҳкам-Ҳакимобод" қишлоғидаги 20 та намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш.**
*Бошланғич нархи* — 126 085 680 сўм ҚҚС билан; 105 071 400 сўм ҚҚСсиз.

*Муддати:* 01.08.2013 йил

Буюртмачи: **"Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси.**

Манзил: **Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй. Тел: 8 (373) 224-24-33, (+99895) 400-52-80.**

Қурилиш-таъмирлаш ишлари **Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

***Фақат қичик бизнес субъектлари қатнашади.***

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси − Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

***Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй.***
***Телефон/факс: 8(373)224-18-71.***
***Танлов ҳужжатларининг бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.***

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда офертаdisplayларни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, ***Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уйда ўтказилади.***

## Ғолибларга «Матиз» автомашинаси

Бухоро шаҳридаги Абдулхолиқ Ғиждувоний маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 35-сонли милиция таянч пункти анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловининг бу йилги Республика босқичида биринчи ўринни эгаллаб, «Матиз» енгил автомашинаси билан тақдирланди.

Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 2300 нафардан ортиқ фуқаро бўлиб, уларнинг аксарияти ёшлардир. Эътиборлиси шундаки, ўтган йили ҳудудда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир бўлмади. Жиноятчилик эса олдинги йилдагига нисбатан икки марта камайди. Бу каби ижобий ҳолатларни профилактика инспектори, танлов ғолиби Акмал Шарипов қуйидагича изоҳлайди:

— Милиция таянч пунктимиз маҳалла фуқаролар йиғини билан битта бинода жойлашган. Бу ҳақда тўхталишим бежиз эмас. Биз ҳар бир ишда маҳалла йиғини фаоллари, маҳалла посбони, диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, хотин-қизлар кенгаши, яраштириш комиссияси билан ҳамкорликда, тезкорлик асосида ишлашимиз, кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олишга, нотинч оилалар билан боғлиқ масалаларни, умуман бошқа ҳаётий муаммоларни биргаликда ечишга ҳаракат қиламиз.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ва осойишталик посбонларининг ҳамкорлиги аҳолининг бандлигини таъминлашда ҳам қўл келаяпти. Маҳалла биносида тикувчилик ва зардузлик цеҳи ташкил этилган бўлиб, бу ерда кейинги икки йилда 30 нафарга яқин хотин-қиз касб-ҳунар ўрганиб, ҳозирда уларнинг кўпчилиги ўз оилавий бизнесини йўлга қўйган.

**Ҳамро ОҚИЛ,**
«Adolat» мухбири

# БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ
## жамоаси



Мамлакатимиз аёлларини

**Халқаро хотин-қизлар куни**

билан самимий табриклайди.





Азиз оналар, опа-сингиллар!

Сизларга бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, шахсий ҳаётингиз ҳамда касб-корингизда омад ва баҳорий кайфият тилаймиз!





Қалбларингиз
меҳр-муҳаббат,
шодликка тўлсин,
омаду фаровонлик
ҳамиша
ҳамроҳингиз бўлсин!

**БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!**

**Pharmed sanoat** ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

мунис онахонлару муҳтарама опа-сингилларимизни баҳорнинг илк айёми —

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

билан самимий қутлайди.

Барча аёлларга аъло кайфият, соғлиқ-саломатлик, бахтли ҳаёт тилайди.

Шу сўлим ва файзли кунларда сизларга бир олам қувонч, бахт-саодат ва оилавий тинчлик-хотиржамлик ёр бўлсин!

# Аёл — она, раҳбар, тарбиячи...



...Падари бузруквори Ғиёс отанинг физика фани ўқитувчиси эканлиги таъсириданми, Наталья ҳам аниқ фанларга меҳр қўйди ва 1970 йили Самарқанд давлат университетининг механика-математика факультетига ҳужжатларини топширди. Олийгоҳни намунали тамомлагач, 1975 йилда Китоб туманидаги мактаблардан бирида ўқитувчилик фаолиятини бошлади. Аммо тақдир уни яна севимли университетига қайтарди. Ўша йили Очиловлар оиласи Самарқандга кўчиб келишади ва Наталья университетнинг физика факультетида педагогик фаолиятини давом эттиради.

Наталья меҳнатдан қочмаган. Бир замонлар самолётсозлик заводида ишчи, Ўзбекистонга келгач эса узоқ йиллар меҳнат фанидан ўқувчиларга сабоқ берган онаси Нина Сергеевна уни ана шунга ўргата олди.

1993 йилнинг март ойида Наталья Ғиёсовна Давлат божхона қўмитасининг ташкилий-инспекторлик бўлимида ўз фаолиятини бошлади. Наталья Очилова бугун Давлат божхона қўмитаси Ишлар бошқармасининг бош инспектори.



Марғуба Турсунова Тошкентнинг Эски шаҳарида оддийгина хизматчилар оиласида вояга етган. Отаси ҳайдовчи, онаси эса уй бекаси бўлишса ҳам оиладаги 6 фарзанднинг келажагига жиддий қарашди. Уларнинг илмли, касбли, ҳунарли бўлишлари учун барча шароитларни яратишга ҳаракат қилишди.

Фарзандлар қаторида Марғуба ҳам ўзига билдирилган ишончни оқлади. 1975 йилда ўша пайтдаги Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтига ўқишга кирди. 1979 йили иқтисодчи дипломини қўлга киритган қаҳрамонимизнинг меҳнат фаолияти озиқ-овқат саноати марказий технология бюросида бошланди. Шу тариқа йигирма йил давомида Марғуба Турсунова халқ хўжалигининг турли соҳаларида иқтисодчи, ҳисобчи сифатида фаолият юритиб келди. 1999 йилда эса у божхона органларига ишга қабул қилинди.

Бугун Марғуба Турсунова Давлат божхона қўмитаси молия-иқтисодиёт бошқармасининг кўзга кўринган, тажрибали ходимларидан бири. Зиммасидаги масъулиятни ҳам ҳамиша бошқалардан кўра юқори баҳолайди.



Андижон вилоятининг Олтинкўл туманида умргузаронлик қилаётган 95 ёшли онахон Обидахон Қўшматовани қутлаш учун келиб-кетаётганларнинг қадами узилмайди. Айниқса, бу ерда жам бўлган невараю эвараларнинг она, Ватан, меҳр-муҳаббатниараннум этувчи шеърларни ёд олиб, гулдастага пайваста тарзда момосига совға қилаётгани хонадон аҳли дилларини шавқ-завққа тўлдирмоқда. Фарзандлари, яқинлари эъзозида кўнгли тоғдек ўсаётган аянинг қўллари дуода:

— Юртбошимиз раҳнамолигида ўтаётган тинч-тотув кунларимиз, фаровон ҳаётимиз бардавом бўлсин! Ҳар биримизга фарзандлар камолини ва роҳатини кўриш насиб этсин!

Юзларида шукроналик бахти порлаб турган Обидахон аянинг дуоларига барчамиз тилакдошмиз.



Қуёшнинг илиқ нурлари остида она табиат уйғониб, илк яшил куртаклар ниш ураётган баҳорнинг дастлабки кунларида Мустақиллик майдони пойтахтимиздаги энг гўзал масканлардан бирига айланади. Тошкентнинг сўлим гўшаларидан бўлган ушбу майдон мамлакатимиз аҳолиси учун ғоят қадрлидир. 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида хотин-қиз ҳарбий хизматчилар ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи – Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди.

– Армияда хизмат қилиш бизнинг оиламиз аъзолари учун асосий вазифадир, – дейди кичик сержант Тамара Тожмуротова. – Негаки, ҳаммамиз ҳарбий хизматчилармиз. Ҳар байрамда тўпланиш биз учун яхши анъанага айланган.



Шаҳрисабз туманидаги Чоршанбе қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида 1700 ўқувчи таҳсил олмоқда. Уларнинг билим ва кўникмаларини ошираётган тажрибали педагог ва моҳир усталардан бири – Фазилат Усмонова 2012 йили Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида Президентимиз фармонига биноан "Дўстлик" ордени билан тақдирланган.

Фазилат опанинг ўнлаб шогирдлари бугунги кунда қишлоқларда очилаётган тикувчилик цехларида муваффақиятли меҳнат қилаётир.

**ADOLAT**
ижтимоий-сиёсий газета

**Муассис:** Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Таҳрир ҳайъати:** Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МЎМИНОВ.

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:** Абдували САЙБНАЗАРОВ

**Бўлимлар:** Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — ***288-46-54***; Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — ***288-46-64 (142)***; Қабулхона — ***288-42-23***; ***288-46-64*** (факс); Котибият — ***288-42-06 (148).***

**Навбатчи муҳаррир** — А.ЙЎЛДОШЕВ. **Навбатчи** — Ғ.ХИДИРОВ

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**

**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*

**adolat_gazeta@mail.ru**

ISSN 2091-5217

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.*

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 300. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 15079
Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 23.00
**1 2 3 4 5**

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши партия фахрийси
**Муҳаббат ШАРАФУТДИНОВА**нинг
вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши партия Марказий аппарати ходими Гўзал Пиржановага онаси
**Ширин ая ХОЛМУРОДОВА**нинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.